



И.И.Каримов⁵⁸

Экстремизм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишнинг ўзига ҳос жихатлари

Каримов Ифтихор Ибрагимович, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси мустақил изланувчиси.

Аннотация: Ушбу мақолада экстремизм билан боғлиқ жиноятлар, уларнинг фаолият усуллари, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб, шахсларни ўз сафларига жалб қилиш усуллари, уларнинг олдини олиш ва қарши курашиш масалалари ёритилди.

Калит сўзлар: Экстремизм, терроризм, экстремистик гоялар, ахборот хавфсизлиги, шахсларни экстремистик ташкилотга жалб қилиш, профессионал ёлловчилар, психологик уруш, интернет ижтимоий тармогидаги ёлловчилар, замонавий ахборот технологиялари.

Осознанные аспекты борьбы с преступлениями, связанными с экстремизмом

Каримов Ифтихор Ибрагимович, независимый исследователь Академии МВД Республики Узбекистан.

Аннотация: В данной статье освещены вопросы преступлений, связанных с экстремизмом, способы их совершения, способы привлечения в свои ряды лиц с использованием современных информационных технологий, вопросы их предупреждения и противодействия.

Ключевые слова: Экстремизм, терроризм, экстремистские идеи, информационная безопасность, вовлечение лиц в экстремистскую организацию, профессиональные рекрутеры, психологическая война, рекрутеры в социальной сети Интернет, современные информационные технологии.

Conscious aspects of combating crimes related to extremism

Karimov Iftikhor Ibrahimovich, independent researcher at the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan.

Abstract: This article highlights the issues of crimes related to extremism, ways of committing them, ways of attracting individuals to their ranks using modern information technologies, issues of their prevention and counteraction.

Keywords: Extremism, terrorism, extremist ideas, information security, involvement of individuals in an extremist organization, professional recruiters, psychological warfare, recruiters in the Internet social network, modern information technologies.

Бугунги кунда ҳаётимизни ахборот технологияларсиз тасаввур қилиш қийин. Чунки, ҳар бир кунимиз ахборот технологияларга зарурият туғдирмоқда. Дунёда

⁵⁸ Каримов Ифтихор Ибрагимович, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси мустақил изланувчиси



бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, янгиликларни албатта биз интернет тармоғи орқали оламиз.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, интернет, ахборот тизимлари ва ахборотни етказувчи дастурий таъминотлар бугунги куннинг муҳим омилларидан бирига айланди. XXI аср ахборот асри деб эътироф этилаётгани бежиз эмас. Инсоният тарихида маълумотнинг муҳимлик даражаси бу каби юқори чўққиларни забт этмаган. Инсонларни янги билимларни эгаллашга қизиқиши тобора ортиб бораётган глобаллашув жараёнида ижтимоий онгни заҳарлашга қаратилган тажовузлар, мамлакатнинг ахборот бошқарувини издан чиқаришга уринишлар тобора ортиб бормокда.

Бироқ, тармоқдан фойдаланувчилар сони ва ҳажми ортгани сари унинг дастлабки мақсадларидан ўзга мақсадлар, яъни порнография, зўравонлик, оммавий маданият ва бошқа турли ёт ғояларни тарғиб қилувчи контентлар сони ортиб борди. Бу омил интернетдан турли экстремистик ва террористик ташкилотлар ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишларига олиб келди. Турли сиёсий мақсадларни кўзлаган гуруҳлар тармоқдан ўзларининг тарғиботларини олиб бориш, тарафдорлари билан боғланиш, олиб бораётган ишларига нисбатан жамоатчилик хабардорлигини кучайтириш ва ҳатто ўзларининг жиноий операцияларини амалга ошириш учун қўллай бошладилар. 1970 йилларда илмий-академик мақсадларда компьютерларни ўзаро боғлаб фойдаланилган тармоқ, кейинчалик, орадан 20 йил ўтиб ўзининг моҳиятини тубдан ўзгартирди ва кенг миқёсда тарқалди. 1990-йилларнинг ўрталарида 18 000 дан зиёд шахсий, жамоат ва миллий тармоқлар бири-бирига уланган. Уларга 3,2 миллион бош компьютерлар ҳамда ривожланган давлатлардан қарийб 60 миллион фойдаланувчи боғланган. XXI асрнинг бошидаги тахминий ҳисоб-китобларга кўра уларнинг сони миллиарддан ортиб кетган [1;56.б].

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон аҳолисининг интернет хизматидан фойдаланувчилари сони 31 миллиондан ортиб, уларининг 29,5 миллиони мобил интернетдан фойдаланади. Республика бўйича мобил алоқа қамрови даражаси 99 фоизга, кенг полосали мобил Интернет қамрови 98 фоизга етказилган[2]. Бу, албатта, мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари жадаллик билан ривожланаётганидан, фуқароларимизнинг ахборот олиш, сақлаш, тарқатиш каби конституцион ҳуқуқларини амалга оширишда сифатли алоқа тизимларидан фойдаланиш имкониятлари ривожланаётганлигидан далолат беради.

Қайд этиш керак, бугунги кунда дунё аҳолисининг қарийб ярми – яъни 3 млрд.га яқин киши турли ижтимоий тармоқлардан фойдаланмокда. Шулардан энг катта қисми – 2 млрд. одам “Facebook”да. <https://napoleoncat.com> сайти берган маълумотга кўра, Ўзбекистонда “Facebook” тармоғидан фойдаланувчилар 1 миллионга яқинлашиб қолган. Улар ўртача 25-34 ёшда бўлиб, 65,5 фоизини эркеклар, 34,5 фоизини хотин-қизларимиз ташкил этар экан.

Айни пайтда дунёда 1 млрд.лик аудиторияга эга Instagram Ўзбекистонда 1.586.500 нафар фойдаланувчига эга. 2.476.590лик Facebook эса мамлакатимизда 686.400 кишини бирлаштирган. 200 млн.лик Telegram – Ўзбекистонда 18 млн.кишига хизмат кўрсатмокда [3].

Интернет ўзининг осон алоқа боғлаш, қоидаларнинг йўқлиги, катта аудиторияни қамраши, маълумот оқимининг тезлиги каби имкониятлари билан жамиятга хавф солувчи террорчилик ҳаракатларни амалга оширувчилар мақсадларига эришишнинг энг енгил йўлига айланиб улгурди. Бу қулайликлар сиёсий мақсадидан қатъи назар террорчи ташкилотларнинг эътиборидан қолмади. Дунёнинг турли нуқталарида фаолият юритувчи террорчи ташкилотлар эндиликда ягона глобал тармоқда бирлашди. 2003–2004 йиллар давомида интернетдаги веб сайтлар таҳлил қилинганда экстремистик фаолият юритувчи ёки экстремизмни қўллаб қувватловчи 100 га яқин сайтлар мавжудлиги аниқланган эди. Бугунги кунга келиб, мутахассисларнинг фикрича интернетда 100 мингдан ортиқ экстремизмнинг турли кўринишларини ўзида ташувчи ғоялар тарғиботи билан шуғулланувчи сайтлар фаолият олиб бормоқда.

Интернет орқали суҳбат олиб бориш жараёнида ёшларга куфр диёри, хижрат, жиҳод, шаҳидлик, халифаликни тиклаш каби ғоялар сингдирлиб, улар турли тўқнашув ва низо ўчоқларига жалб қилинмоқда. Муайян сиёсий кучларнинг ноғорасига ўйнаётган диний-экстремистик ва террорчи оқимлар томонидан у ерларда амалиётни ўтаб келган ақидапараст, дийдаси қотган, мустақил фикрлашдан маҳрум, раҳнамоларининг ҳар қандай буйруқларини қонун деб билувчи зомби жангарилардан тинч минтақаларда ҳам турли низолар ва беқарорликларни келтириб чиқаришда фойдаланиш мақсади бугун кўпчиликка аён ҳақиқатдир[4]. Интернетда террорчиларнинг веб сайтлари тезлик билан пайдо бўлади, ўзининг форматини ўзгартиради ва бир зумда ғойиб бўлади. Аксарият ҳолларда ғойиб бўлганда ўзининг онлайн манзилни ўзгартиради, аммо маълумотлар жойлаштирилган контент ўшалигича қолаверади.

Ҳайфа университети профессори Габриел Вейнман таҳлиliga кўра террорчилик руҳидаги веб сайтлар уч турдаги аудиторияни ўзига нишон қилиб олади:

- Жорий ва потенциал қўллаб-қувватловчилар;
- Халқаро жамоатчилик фикри;
- Қарши турувчи жамоатчилик;
- Жорий ва потенциал қўллаб қувватловчилар.

Террорчилик веб сайтлар шиорлардан фойдаланишга катта куч сарф қиладилар ва ўзларининг тарафдорларига сотиш учун турли буюмлар, масалан, футболка, эмблема, нишон (значок), байроқ, видео ва аудиолар шулар жумласидан. Одатда, бундай ташкилотлар маҳаллий тарафдорларни ўша тилдаги веб сайтлар орқали “қармоқга илтинтириш”га ҳаракат қилади.

Шунингдек, сайтларида ўзларининг фаолиятлари тўғрисида, ташкилотнинг ички сиёсати, унинг тарафдорлари ва душманлари тўғрисида батафсил маълумотлар жойлаб борадилар. Халқаро жамоатчилик фикри. Халқаро жамоатчилик бу — мазкур можароларга бевосита алоқаси бўлмаган, аммо сайтнинг маҳаллий тилдан бошқа тилдаги талқини билан ҳамда уларнинг амалиётига қизиқувчилардир. Кўплаб контент таҳлилларидан маълум бўладики, хорижлик журналистлар ҳам уларнинг нишони. Кўпинча хорижлик мухбирларга бўлиб ўтган воқеанинг батафсил маълумоти жуда муҳим. Биргина Ҳизбуллоҳнинг сайти журналистларга ўзларининг матбуот уйи

билан электрон почта орқали ҳамкорлик қилишни таклиф қилади. Қарши турувчи жамоатчилик. Аксарият сайтларнинг контентида қарши турувчи жамоатчилликга интилиш очик ойдин намоён бўлмайди. Бироқ, баъзи сайтлар қарши ҳужум ва айбдорлик хиссини уйғотиш орқали душманни деморилизоат қилишга ҳаракат қилади. Бундай жараёнда улар ўзларига қарши бўлганларнинг баёнотларига қарши жамоатчиликнинг фикрини ўзгартиришни ва уни “кўтариш”га ҳаракат қиладилар[5].

Шунингдек, олим террорчиларнинг интернетдан фойдаланишининг саккиз йўли мавжудлигини қайд этиб ўтган. Булар:

- психологик уруш,
- оммавийлик ва ташвиқот;
- маълумот тўплаш;
- пул йиғиш;
- вербовка ва мобилизация;
- режалаштириш;
- келишиш.

Терроризм, одатда, психологик уруш сифатида тушуниб келинган, ўз навбатида террорчилар интернет орқали шундай кураш олиб боришни режалаштирганлар. Террорчиларнинг бундай уруш олиб боришларининг бир неча йўллари бор. Масалан, улар интернетни ёлғон маълумот тарқатиш, инсонларда қўрқув ва ҳимоясиз эканлигига қаратилган ҳужум уюштириш, ўзларининг охириги амалиётларидан олинган ваҳшийларча ўлдирилган жасадларнинг расмларини тарқатиш учун фойдаланадилар. Шунингдек, террорчилар психологик ҳужумни, кибер қўрқув орқали ҳам амалга оширадилар. Бунга мисол қилиб, ҳаво транспорт тизимида назоратни ишдан чиқариш орқали ҳалокат содир этиш ёки миллий иқтисодиёт тизимини тартибга солиб турувчи компьютерларга ҳужум қилиш орқали жамоатчиликда террорчилар шундай хавфларни келтириб чиқариши мумкинлигига ишончни шакллантирадилар. Интернет имкониятлари ортгани сари террорчиларнинг оммавийлик имкониятлари ҳам кенгайди. Авваллари босма матбуот, радио ва телевидение орқали ўзларининг фаолиятларига оммани жалб этишга интилганлар. Аммо бу анъанавий медианинг кўп босқичли таҳрирларидан ўзларининг мақсадларига ета олмаганлар. Бугунги кунда ҳар бир террорчи ташкилот ўзи тасарруф этадиган веб сайтларга эга бўлиб улгурган.

Айрим маълумотларга кўра, ҳозирда интернетда 40 мингдан кўпроқ экстремистик сайтлар мавжуд[7]. Жумладан, ИШИД ўз ғояларининг кенг тарқалишини таъминлаш мақсадида Facebookда «Caliphatebook» ижтимоий тармоғини очган[8]. Ҳозирда унинг саҳифаларида радикал ғоялар тарафдорлари жамоаларини шакллантиришга уринмоқда. Шунингдек, БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Жеффри Фелтманнинг сўзларига кўра, Twitter ижтимоий тармоғида ИШИД ғоялари ва фаолиятини қўллаб-қувватловчи 50 минг атрофида аккаунт мавжудлиги ва уларнинг ҳар бири ўртача мингта «ҳамфикр» ва «издош»га эга[9]. Бундан ташқари, ИШИДнинг «Ал-Фурқон» ва «Ал-Ҳаёт» медиа марказлари асосан араб, инглиз, немис, француз, рус, хинд, урду, бенгал, турк, курд ва бошқа яна бир қатор тилларда тарғибот-ташвиқот хуружларини амалга ошириб

келмоқда [10].

Шунингдек, Профессор Г.Вейнман фикрига кўра бундай сайтлар, одатда, ўзларининг зўравонликларини оқлашда уч турдаги риторик структурадан фойдаланадилар. Биринчидан, террорчилар зўравонликка мурожаат қилишдан бошқа чоралари йўқлигини эълон қилдилар. Террорчи ташкилотлар, одатда, доимий таъқибда, етакчиларига суюқасд ва қўллаб қувватловчилари шафқатсизларча ўлдирлгани, сўз эркинлиги чеклангани ва тарафдорлари камоққа олингани каби ҳолатларни тасвирлайдилар[5]. Мазкур усул орқали улар кичкина, ожиз ва жабрланган ташкилот бўлиб, кучли давлат ёки ташкилот томонидан жаблангандек ўзларини кўрсатадилар. Иккинчи риторик структура бу зўравонликдан фойдаланишни қонунийлаштириш ва шу орқали рақибни айблаш. Бунда ҳаракат ёки ташкилот аъзолари ўзларини эркинлик курашчилари сифатида кўрсатадилар. Учинчи риторик структурада зўравонлик усулларида фойдаланишни рад этишда тилдан кенг миқёсда фойдаланиш.

Мутахассислар К.Сиохари ва Ж.Роллинс фикрларига кўра киберхужумлар қуйидаги тўрт соҳаларни ўз ичига олиши мумкин:

- яхлитликнинг йўқолиши, яъни маълумот бир-бирига мос келмаган ҳолда ўзгартирилиши мумкин;
- боғланишнинг йўқотилиши. Бунда узлуксиз ишловчи маълумот тизимлари рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар кира олмайдиган даражада ўзгартирилади;
- махфийликнинг йўқолиши, яъни рўйхатдан ўтмаган фойдаланувчи учун танқидий маълумотнинг очик бўлишлиги;
- моддий йўқ қилиш, яъни маълумот тизимлари турли командалар орқали моддий зарарни юзага келтиришлари натижасида режалаштирилгандек ишлашдан тўхтади[6].

Интернетдан экстремистик руҳдаги маълумотларни ва видеоларни тарқатиш учун фойдаланишдан ташқари шундай ҳаракатларга мойиллиги бор қизиқувчилар билан мулоқатга киришиб, махфий йўналтирувчи куч сифатида ҳам фойдаланилади. Интернет форумлар, чат гуруҳлари террорчилик ташкилотлар ва уларнинг тарафдорлари учун кучли глобал “аскарлар” захирасига айланган. Интернет орқали террорчилик фаолиятига қарши курашиш бўйича мутахассислар қуйидаги тавсияларни берганлар: глобал қамровни инобатга олган ҳолда, террорчилик руҳдаги даъватларни фош этиш мақсадида, маърифий-тарбиявий мазмундаги маълумотларни турли тилларда интернет орқали тарқатиш; террорчилик мақсадларда интернетдан қанча кўп фойдалансалар, ўзларига қарши курашиш учун таҳлилий манба бўлиб хизмат қилади; ахборотлар оқимидан фойдаланиш бўйича ёшларда соғлом иммунитетни ҳосил қилиш.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, фуқароларни ахборотлар оқимидан фойдаланишни ижобий томонлари билан бирга, салбий оқибатлари ҳам борлигидан хабардор этиш бориш лозим. Тобора кучайиб бораётган глобаллашув жараёнида маълумотнинг мазмуни ва стратегиясини таҳлил қилиш жуда муҳимдир. Тинч ва фаровон ҳаётни асраш ҳар бир фуқародан ҳушёрлик ва огоҳликни талаб қилади.



Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасида аҳоли, айниқса ёшларни турли экстремистик ва террористик ташкилотлар сафига жалб этилишини олдини олиш мақсадида аҳоли, айниқса, ёшларда миллий ғурур, ифтихор, туйғусини, янада чуқурроқ шакллантириш, ёт ғоялардан сақловчи мафкуравий иммунитет шакллантириш лозим бўлади. Бу эса Ўзбекистондек буюк Ванатимиз келажагига ўзини маъсул ҳисобловчи барча юртдошларимизнинг муҳим вазифаси бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Кота. Эпоха терроризма // Международный терроризм и право. - М., 2004. - С. 56
2. Газета.uz <https://www.gazeta.uz/uz/2022/12/15/internet-users/>
3. Ижтимоий тармоқларнинг ёшлар маънавиятига таъсири. Г.Ғаффарова. Academic research in educational sciences. Volume 2 | ISSUE 4 | 2021 ISSN: 2181-1385. Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723 <https://cyberleninka.ru/article/n/izhtimoiy-tarmolarning-yoshlar-manaviyatiga-tasiri>
4. Мамлакатимизда диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураш <https://religions.uz/news/detail?id=443171>
5. Г.Вейман. Как современные террористы используют Интернет. Специальный доклад URL: <http://silovik.net/showthread.php?t=7897>
6. The Economic Impact of Cybercrime and Cyber Espionage // Center for Strategic and International Studies, 2013. URL: www.mcafee.com/sg/resources/reports/rp-economic-impact-cybercrime.pdf
7. В Интернете около 40 экстремистских сайтов URL https://www.pravda.ru/news/society/82120-internet_ekstremistskikh_saitov_40_miroshnikov
8. “Исламское государство” запустило собственную социальную сеть. URL <https://www.interfax.ru/world/428849>
9. А.Федоров. О некоторых аспектах информационной политики игил в социальных сетях. <https://cyberleninka.ru/article/n/onekotoryh-aspektah-informatsionnoy-politiki-igil1-vsotsialnyh-setyah>
10. Альбо Таслих Мохаммед. Пропагандистская деятельность ИГИЛ и методы борьбы с ней. <https://cyberleninka.ru/article/n/propagandistskaya-deyatelnost-igil-i-metody-borby-s-ney>